

**“ЎЗБЕКИСТОННИ ТОП ЎН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР
ҚАТОРИГА КИРИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ”**
мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий
анжуман материаллари тўплами
2020 йил 11-12 декабрь



**“PROSPECTS FOR UZBEKISTAN'S ENTRY INTO
THE TOP 10 TOURIST DESTINATIONS: SUSTAINABLE
DEVELOPMENT OPPORTUNITIES”**

collection of abstracts
December 11-12, 2020

**“ПЕРСПЕКТИВЫ ВХОЖДЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В
ДЕСЯТКУ ЛУЧШИХ ТУРИСТИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ:
ВОЗМОЖНОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ”**

сборник тезисов
11-12 декабря 2020 года



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
“СЕРВИС СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ” ВА “ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА
ХЎЖАЛИГИ” КАФЕДРАЛАРИ**

**“ЎЗБЕКИСТОННИ ТОП ЎН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР
ҚАТОРИГА КИРИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ”**

**мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий анжуман материаллари
тўплами
2020 йил 11-12 декабрь**

**“PROSPECTS FOR UZBEKISTAN'S ENTRY INTO THE TOP 10
TOURIST DESTINATIONS: SUSTAINABLE DEVELOPMENT
OPPORTUNITIES”**

**collection of abstracts
December 11-12, 2020**

**“ПЕРСПЕКТИВЫ ВХОЖДЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В ДЕСЯТКУ
ЛУЧШИХ ТУРИСТИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ:
ВОЗМОЖНОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ”**

**сборник тезисов
11-12 декабря 2020 года**

**“Дурдона” нашриёти
Бухоро – 2020**

УЎК 338.48(575.1)

65.433

Н 14

Навруз-Зода, Б.Н. Ибрагимов, Н.С.

“Ўзбекистонни топ 10 туристик ҳудудлар қаторига киритиш истиқболлари: барқарор ривожланиш имкониятлари” [Матн] / Б.Н. Навруз-Зода, Н.С. Ибрагимов.-Бухоро: ООО "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2020. -300 б.

КБК 65.433

Дастурий қўмита: и.ф.д. О.Х. Хамидов, и.ф.ф.д. О.С. Қаҳҳоров, и.ф.н. А.Т.Жўраев, и.ф.н. Д. Ш. Явмутов, и.ф.н. С.У. Таджиева, и.ф.д. Б.Н. Навруз-Зода, и.ф.н. Н.С.Ибрагимов, и.ф.н. Ҳ.Р. Ҳамроев, и.ф.ф.д. А.Ж. Абдуллоев, и.ф.н. С.С. Рўзиев, и.ф.ф.д Г.Р. Хидирова, О.Х.Азимов, Б.И. Адизов.

Таҳрир ҳайъати: и.ф.ф.д, О.С. Қаҳҳоров, и.ф.д. Б.Н. Навруз-зода, и.ф.н. А.Т.Жўраев, Г.Т. Зарипов, и.ф.н. Д.Ш. Явмутов, и.ф.н. С.У. Таджиева, и.ф.н. Н.С.Ибрагимов, А.Ж. Абдуллаев, и.ф.ф.д. Г.Р. Хидирова

“Ўзбекистонни топ 10 туристик ҳудудлар қаторига киритиш истиқболлари: барқарор ривожланиш имкониятлари” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7-февралдаги 56-Ф-сонли Фармойишига асосан ташкил этилган, тезислар тўплами тайёрланган ва нашр этилган.

Тўплам и.ф.д., профессор Б.Н. Навруз-Зода ва и.ф.н. Ибрагимов Н.С. умумий таҳрири остида чоп этилди.

Тўплам Бухоро давлат университети илмий-техникавий кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.

Такризчилар:

1. Азимов Б.Ф. – БухМТИ Менежмент кафедраси доценти, и.ф.н.
2. Мўминов Х.И. – Бухоро Давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

Мазкур тўпламга киритилган мақолалар ва маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдир.

ISBN 978-9943-6824-7-4

Вилоят нафақат тарихий-маданий ва танишув туризми ресурсларига бой, балки экологик туризм, қишлоқ туризми гастрономик туризм, экстремал туризм, тиббиёт туризми каби истиқболли йўналишли туризм турларини ривожлантириш имконияти мавжуд.

Минтақада нафақат тарихий-меъморий, маданий, зиёрат, экологик, қишлоқ туризми балки туристик-рекреация хизматларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Келажакда туристик-реакрацион хизматларини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: Минтақадаги “Қалъажик оромгоҳи соғломлаштириш” маркази, “Хонқа” ва “Шовот Оби-ҳаёт” санаториялари атрофида туризм инфратузмаси объектларини барпо қилиш;

Вилоятнинг Эшон равоат, Ғовук кўл атрофларида, Амударё қайрларида янги туристик-реакрация мажмуаларини барпо қилиш;

Хоразм вилоятида кўнгил очиш ва кўчма дам олиш масканлари ташкил қилишни самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни туристик мавсум даврида доимий фаолиятини кўрсатишини ташкил қилиш;

Мавжуд экотуризм ресурсларидан мақсадли фойдаланган ҳолда ушбу ҳудудларда рекреация хизматларини йўлга қўйиш, жумладан, отда ёки туяда сайр қилиш орқали умуртка поғона касалликларини даволаш, Амударё қирғоқларида, тўқайзорларда мавсумий кўчма дам олиш масканларини барпо қилиш;

Вилоятдаги туристик-реакрацион мажмуаларини реклама марказини ташкил қилиш, Хоразмнинг туризм имкониятлари тўғрисида маълумот берувчи веб-сайт яратиш, буклетлар нашр этиш, миллий урф-одатлар, қадрият ва анъаналар, фольклор ва этнография, ҳунармандчилик ҳамда ноёб тарихий ва меъморий обидалар тўғрисида хорижий тилларда фильмлар яратиш;

Минтақада фаолият кўрсатаётган туристик-реакрацион мажмуаларининг турли хил хизматлари, тадбирлари ва дастурларини маркетинг услублари ва стратегияларини татбиқ қилиш орқали реклама-тарғибот фаолиятини ташкил қилиш;

Келажакда туристик-реакрацион хизматларнинг ривожланиши вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига маҳаллий бюджет даромадларининг кўпайиши, инвестициялар оқимининг ўсиши, ишчи ўринларини яратилиши, аҳоли саломатлигини яхшиланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. A.Sadullaev, S.Avezov, A.Matchanova Turizm va rekreatsiya geografiyasi. – Xiva: Xorazm Ma'mun akademiyasi, 2019.- 100 b.

2. Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бўлими маълумотлари.

3. Ибадуллаев Э.Б. Хоразм вилоятида туристик-рекреацион хизматларнинг ривожланиш истиқболлари// http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/43_Ibadullayev.pdf

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ: КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИДАН ОЛДИН, ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ВА ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИН Сайфуллоев Ойбек Олимович., БухДУ илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими бошлиғи

Кириш. Саёҳат ва туризм саноати дунёда энг йирик саноат тармоқларидан бири ҳисобланади. Туризм иқтисодий ўсиш учун стимул беради, аҳолини иш билан таъминлайди, янги иш ўринларини яратади, ижтимоий соҳа ривожига туртки беради. Комбоджа, Белиз, Сент-Люсия, Хорватия, Кабо-Верде, Фиджи, Вануату, Сейшелл ороллари каби давлатларда туризм хизматлари экспорти мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибида 14% дан 30% гача бўлган улушга эга. Мальдив оролларида эса бу кўрсаткич 30-40% гача етади [6].

Ушбу мамлакатлардан фарқли равишда туризм соҳаси етарлича ривожланмаган Ўзбекистонда 2019 йил кўрсаткичларига кўра, туризм хизматлари экспорти мамлакат ЯИМ таркибида 2,2% ни ташкил этади. Аммо сўнгги йилларда туризм соҳаси Ўзбекистонда катта сакрашни амалга оширди. Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси маълумотларига кўра 2019 йилда мамлакатга ташриф буюрган сайёҳлар сони 2018 йилга нисбатан 26,2% га ўсиб, 6 748,0 минг кишини ташкил этди. Туризм хизматлари экспорти эса 26,1% га ошиб, 1 313,0 млн. АҚШ долларини ташкил этган [4]. Ўзбекистон 2019 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра энг тез ўсаётган туристик йўналишлардан бири сифатида тан олинди, жаҳон бўйича Мьянма, Пуэрта-Рико ва Эрондан кейин 4-ўринга муносиб топилган [7]. Албатта, ушбу маълумотлар Ўзбекистонда туризм соҳасида яширинган потенциални тушуниб олишимиз учун етарли ҳисобланади. Мамлакатимизда туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар 2019 йилги ижобий тенденцияларга асосланиб, сайёҳлар оқимининг 2020 йил учун камида 25% лик ўсишини ҳисобга олган ҳолда ўз бизнес режаларини шакллантиришди ва шунга мос равишда ҳаракатни бошлашди. Янги куриб фойдаланишга топширилган меҳмонхоналар юқори малакали кадрларни ишга таклиф этишди. Реклама хизматлари учун маблағларини аяшмади. Аммо 2020 йилда бутун дунёга тарқала бошлаган коронавирус пандемияси ушбу бизнес режаларнинг фақат назария сифатида қолишини таъминлаб берди.

Асосий қисм. Дунё бўйича туризм соҳаси коронавирус инфекцияси тарқалиши таъсирини биринчи ва энг кескин равишда ҳис қилди. Пандемиянинг дастлабки ойларидаёқ дунёда барча туристик йўналишлар бўйича талаб 20-25% га камайди. Кўплаб давлатлар чегараларни бутунлай ёпиб қўйгандан сўнг эса ушбу талаб деярли нолга тушиб кетди. Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, жаҳон туризм саноати 2020 йилда пандемия туфайли деярли 1,2 трлн. АҚШ доллари миқдорига зарар кўриши мумкин. [8].

Ўзбекистон туризм саноати учун ҳам ушбу муаммолар бегона эмас. Пандемия оқибатида меҳмонхоналар, кафе ва ресторанлар, транспорт хизмати кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари жиддий зарар кўрди. Ушбу тадбиркорлик субъектлари ўз ҳаражатлари қоплай олмай қолишди ҳамда ходимларини таътилга чиқаришга мажбур бўлишди. Ушбу ҳолатлар тажрибали ҳамда малакали кадрларни йўқотилиш хавфини юзага келтирди.

Аммо эртами-кечми пандемия тугайди. Дунё карантиндан чиқиб аҳолиларни тиклайди ва саёҳат чекловларини олиб ташлайди. Шундан сўнг туризм қандай бўлади. Умумий тасаввур ва тахминлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- Туризм саноати доимо инқирозлардан сўнг жуда тез суръатда тикланади.

Жуда ғалати бўлиши мумкин, аммо тарихий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, туризм инқирозлардан сўнг жуда тез суръатда тикланган. Инсоният тарихидаги энг даҳшатли тўқнашувлардан бири Биринчи жаҳон уруши ғалати даражада туризм ривожига туртки берган.

2008-йилдаги жаҳон молиявий иқтисодий ҳам маълум даражада туризм ривожини учун туртки берди. Инқироздан сўнг пайдо бўла бошлаган тежамкор тур-пакетлар сайёҳларнинг жуда катта қўламда жалб қилинишига сабабчи бўлди [9].

- Одамлар уйда узоқроқ вақт мажбурий тарзда ўтиргандан сўнг илгаридан кўпроқ саёҳат қилишни хошлашади.

Мутахассислар фикрича, карантиндан сўнг ўз квартираларида узоқ ва машаққатли тарзда ўтиришга мажбур бўлган одамлар дарҳол саёҳат қилишни хошлашади. Чегаралар очилиши билан туризм саноатида жуда катта кечиктирилган талаб юзага келади.

- Иқтисодий муаммолар сабабли арзон турларга талаб ортади.

Узоқ давом этадиган карантин инсонларнинг жамғармаларига салбий таъсир кўрсатади. Бу вазиятда жамғармалар камаяди ёки бутунлай тугаб қолади. Шу сабабли сайёҳлар сафар давомийлигини тежашга ҳамда арзон турлардан фойдаланишга ҳаракат қилишади.

Ўзбекистон туризм саноати қандай ўзгаришларни кутмоқда?. Албатта, мавжуд бўлган баъзи таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидагича тасаввурларга эга бўлиш мумкин.

- Пандемия ички туризм ривожига туртки беради.

Ўзбекистон ички туризм учун янги қирраларни очиши мумкин. Бунинг учун туризм хизматлари соҳасини ички туризмга мослаштириш масаласида жуда кўп ишларни амалга оширишга тўғри келади.

- Туризм ривожини учун 5 кунлик иш ҳафтаси масаласи кун тартибига чиқиши лозим.

Бу вазиятда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси 5 кунлик иш ҳафтаси тарғиботчиси сифатида таклиф киритиши керак. Ҳозирда жуда кўплаб ташкилотларда мавжуд бўлган 6 кунлик иш ҳафтаси аҳолига фақатгина таътил ёки байрамлар муносабати билан бериладиган кетма-кет дам олиш кунларида саёҳат қилиш имконини бермоқда

- Ўзбекистон пандемиядан сўнг минтақадаги бошқа давлатлар билан сайёҳлар оқими учун рақобатга киришишига тўғри келади.

Ўзбекистон ўз туристик салоҳиятига кўра минтақа давлатлари билан бемалол рақобатлаша олади. Агар ҳукумат туризм хизматлари нархини пасайтирувчи омиллари қўллаб-қувватласа, биз қўшни давлатлар билан сайёҳлар оқими учун рақобат курашида устунликни ҳис қилишимиз мумкин.

Хулоса. Хулоса сифатида айтиб ўтиш лозимки, пандемия туфайли жаҳон туризм саноати чуқур шок ҳолатини бошдан кечирмоқда. Таклилчилар фикрича, туризм соҳасида яратиладиган 1 та иш ўрни унга ёндош соҳаларда 5 та иш ўрни яратилишига сабабчи бўлади. Туризм соҳасидаги йўқотишлар унга боғлиқ соҳаларда ҳам жиддий хавф-хатарларни юзага келтиради. Ҳукуматлар ушбу соҳани қўллаб-қувватлаши ҳозир хар доимгидан муҳим ҳисобланади. Албатта, туризм пандемиядан сўнг ўзгаради. Шубҳасиз, дарҳол кириш ва чиқиш туризмнинг фаол ривожланишини кутиш керак эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек инқирозларнинг сўнг одамлар доимо кўпроқ саёҳат қилишган. Оптимистик руҳда ёндошадиган бўлсак, туризм саноати яқин 2-3 йил ичида 2019 йилдаги даражага чиқади. Соҳа вакиллари олдида эса пандемия шароитида эгасиз қолган бозорларни яна эгаллаш вазифаси турибди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4141452>.
2. <http://cloud.uzbektourism.uz/uzbektourism/downloads/files/Book-curved.pdf>
3. <https://ria.ru/20180412/1518506451.html>
4. <https://www.atorus.ru/news/press-centre/new/50372.html>
5. <https://www.interfax.ru/world/707637>
6. <https://www.interfax.ru/world/703736>
7. <https://34travel.me/post/turizm-vo-vremya-pandemii>

**РАҚАМЛИ ТУРИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Хуррамов Ортиқжон Каюмович
Катта ўқитувчи, Бухоро давлат университети

Иқтисодий муносабатлар тизимига инновацияларни жорий қилиш билан бир қаторда Ўзбекистонда рақамли маконни шакллантириш ҳамда рақамли иқтисодиётни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан илмий тадқиқ этиш заруратини белгилаб берди. Қолаверса, бугунги кунда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва такомиллаштириш масалалари ҳар бир ривожланиб бораётган давлатнинг устувор ва муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири деб аниқ баён

Ходжаев А.Р. Курбонов А.У.	Мамлакатимизда туризми ривожлантиришда SMM маркетингнинг роли	217
Джураев А. Каландаров А. Собиров М. Хакназаров У.Н.	Туристско-рекреационное пространство и потенциал: сущность и особенность	219
Зиявитдинов Х.Х.	Сущность и специфика маркетинга туризма	222
Наврўз-зода Л.Б.	“Маҳаллий турагентлик” услубида бизнесни юритиш кўникмаларини ривожлантириш	223
Бозорова С. К. Мухамедова М. М.	Роль рекламы в продвижении туристической дестинации	225
Karimov A.	Cybersecurity in tourism industry	226
Шадиев А.Х.	Важное значение цифрового маркетинга в сфере туризм	228
6-ШЎБА. 6-СЕКЦИЯ. 6- SECTION.		
Адашова Т.А.	«Умные» технологии в индустрии туризма: новые возможности в условиях пандемии	232
Наврўз-зода З.Б.	Коронавирус пандемия шароитида зиёрат туризми ривожлантиришнинг смарт ёндашуви	233
Юлдашев К.М. Боймирзаев З.	Коронавирус пандемияси шароитида туризми ривожлантиришнинг инновацион усуллари	236
Пардаев М.Қ. Бердикулова И.Р.	Пандемия шароитида туризми ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	238
Navruz-zoda Sh.B.	“Safe tourism program” is a smart way of attracting tourists during coronavirus pandemic	240
Абдулхакимов З. Т.	Глобал пандемия даврида рекреация ва бальнеологиядан фойдаланишнинг назарий масалалари	242
Махмудов Н. М. Алимова Г.А.	Некоторые вопросы активизации медицинско-реабилитационного туризма в условиях пандемии covid-19	243
Qurbonova Z.	Pandemiyadan so'ng O'zbekiston mehmonxonalarida xizmat sifatini oshirishning innovatsion yo'llari	245
Khayrullaeva N.N.	Prospects for sustainable tourism development during a global pandemic	247
Тагирова Н.Б. Пардаев М.Қ.	Пандемия шароитида туризми ривожлантиришнинг ташкилий механизмлари	252
Aminova N.B. Qodirova N.R.	Covid-19 ning xalqaro turizm bozoriga ta'siri	255
Ибрайимова Д.А.	Коронавирус пандемияси ва ички туризм: муаммолар ва имкониятлар	257
Рахимов З.О. Фаттаев Ж.Ф.	Коронавирус пандемияси шароитида туризм соҳасини ривожлантиришда геоахборот тизимларининг аҳамияти	259
Akhrova N. U.	Youth tourism and covid-19 pandemic	261
Пулатова С. Ю.	Внутренний туризм как основа развития культурного туризма в условиях пандемии	262
Абдувоҳидов А.М.	Хизматлар соҳасида электрон тижоратнинг аҳамияти	264
Мўминов Х.И.	Коронавирус пандемияси шароитида туризми ривожлантириш масалалари	266
Alimova Sh.O. Mirzaev I.I.	Koronavirus pandemiyasining turizmga ta'siri	268
Ergasheva A.F.	Hunarmandchilikning turizm sanoatida tutgan o'rnini	270
Tadjiyeva S.U. Djurayeva N. B.	Muslim friendly tourism	273
Ганжаева М., Атабаева З.	Минтақавий туризми ташкил этиш ва уни ривожлантириш масалалари	274
Сайфуллоев О.О.	Жаҳон мамлакатлари ва Ўзбекистонда туризм: коронавирус пандемиясидан олдин, пандемия даврида ва пандемиядан кейин	276
Хуррамов О.К.	Рақамли туризмнинг аҳамияти ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари	278
Собиров Б.Б. Алимова М.Т.	Самарқанд вилоятининг алоҳида ҳудудларида туристик зоналар ва тематик кластерларни шакллантиришнинг концептуал асослари	281
Mamarizoyev J.I.	Digital tourism, as an effective mechanism for recovering tourism in the post-pandemic period	284